

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТУРСУНОВА НАСИБА ХАМРОЕВНА

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИДА ФОЛЬКЛОР
СТИЛИЗАЦИЯСИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2020

УЎК: 821.512.133-2'06:398.2(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Турсунова Насиба Хамроевна Ҳозирги ўзбек драматургиясида фольклор стилизицияси.....	3
Турсунова Насиба Хамраевна Фолькорная стилизация в современной узбекской драматургии ...	29
Tursunova Nasiba Khamrayevna Folk stylization in modern Uzbek dramatization	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ Lits of published works.....	59

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТУРСУНОВА НАСИБА ХАМРОЕВНА

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИДА ФОЛЬКЛОР
СТИЛИЗАЦИЯСИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Fil379 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида(www.tai.uz.) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қаюмов Олим Садриддинович
филология фанлари номзоди

Расмий оппонентлар:

Тожибоева Олтиной Қосимовна
Санъатшунослик фанлари доктори

Имомназарова Шаҳодатхон Хабитовна
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018. Fil.46.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил “__” _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил:100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил 100100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил “__” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “__” _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси)

Т.Мирзаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д, академик

Л.Худайкулова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, ф.ф.н

Ш.Турдимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиётга таъсири, бадиий адабиётнинг шаклланиши ва ривожланишида фольклорнинг ўрни, эпик сюжетларнинг бадиий асар поэтик структурасидаги стилизацияси ва функционал-семантик табиатини ёритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. XX асрнинг 90-йиллари ва XXI асрнинг бошларида дунё халқлари адабиётида ўз ифодасини топган «фольклорга қайтиш»дан иборат ўзига хос ижодий жараён бадиий тафаккурнинг янгилиниши ва ижодий мезонларнинг такомиллашишига асос бўлди. Фольклор ва драматургия муносабатларининг тарихий-тадрижий ривожини, фольклоризмларнинг бадиий-эстетик хусусиятлари ва поэтик матн қурилишидаги вазифалари ойдинлаштирилди. Бу эса ўзбек фольклори аъёнларининг ёзма адабиётдаги драматик турга мансуб сахна асарларининг юзага келиш жараёнига кўрсатган таъсирини аниқлаб, тарихий-фольклорий ва адабий жараёнларнинг ривожланиш тамойилларини белгилаш имконини беради.

Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида халқ оғзаки ижодининг бадиий адабиёт контекстида миллий колоритни ифодалашдаги ўрни, эпик сюжет ва мотивларнинг драматик асарлардаги стилизацияси каби масалаларнинг чуқур ўрганилиши натижасида фольклоризм тушунчасининг моҳияти теранлаштирилди. Фольклор ва унинг жаҳон адабиёти тараққиётида тутган ўрнини тадқиқ этиш асосида олинган натижалар драматик асар таркибидаги фольклоризмларнинг бадиий типларини тавсифлашга хизмат қилади.

Мустақиллик туфайли халқнинг миллий ўзлигига қайтишидан иборат кенг кўламли маънавий тикланиш жараёнида аждодларимиз томонидан яратилган қадимий маросимлар, урф-одат ва қадриятлар моҳиятини англашга бўлган эҳтиёж янада кучайди. Ана шу ижтимоий-маънавий эҳтиёж натижаси ўлароқ У.Азимовнинг халқ эпоси сюжети асосига қурилган драмалари, Э.Хушвақтовнинг миллий урф-одат ва маросимларимизнинг сахнавий талқинидан иборат пьесалари, Э.Аъзамнинг «Дилхирож», Ш.Турдимовнинг «Йўл бўлсин» фильмлари учун ёзган сценарийси ва бошқа кўплаб фольклор стилизацияси замиридаги сахна асарлари яратилди. Ёзма адабиётдаги фольклор элементлари адабиётшуносликда «фольклоризм» атамаси билан қўлланилса-да, ҳозирга қадар бу тушунчанинг бадиий-эстетик моҳияти, маъно-мазмунини етарли даражада очиқ берилган эмас. Бинобарин, фольклоризмларнинг ўзига хос бадиий-эстетик ҳодиса сифатидаги хусусиятларини ойдинлаштириш, эпик сюжет, мотив ва образларнинг драматик асарлардаги поэтик стилизацияси қонуниятларини очиқ бериш адабиётшунослик ва фольклоршунослик фани учун муҳим хулосалар беради. Фольклор бадиий сўз санъатининг ўзига хос кўриниши сифатида жуда қадим замонларда юзага келган бўлиб, хилма-хил жанрлардан таркиб топган халқ ижоди аъёнлари асрлар давомида ёш авлод камолотиغا хизмат қилувчи

бирламчи манба вазифасини бажаради. Халқ ижоди дурдоналаридан иборат «бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир»¹. Шунинг учун ҳам драматургларнинг фольклордан ижодий баҳраманд бўлиш орқали ижод қилишини ўзига хос адабий анъана сифатида тадқиқ этиш фольклоршуносликнинг долзарб муаммолари сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5850-сон, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фойяти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2789-сон, 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2995-сон, 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ–3271-сон, 2019 йил 14 майдаги «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4320-сон, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги ВМҚ-222-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, фольклор ва ёзма адабиёт муносабати масаласи адабиётшуносликнинг долзарб илмий йўналишларидан бири бўлиб, ҳозирга қадар бу муаммо талқинига доир кўплаб илмий тадқиқотлар яратилган. Туркий халқлар фольклоршунослигида драматургиянинг халқ оғзаки бадиий ижодидаги замини ҳамда сахна асарларидаги фольклоризмларнинг поэтик табиати С.Каскабасов, Н.С.Майнагашева, А.М.Сарбашева, Ж.Т.Қобланов каби олимлар томонидан ўрганилган².

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислон маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон қарори.

² Каскабасов С. Театральные элементы в казахских обрядах и играх // Фольклорный театр народов СССР. –

Драматик асарлардаги фольклор мотивлари ва сюжетларининг бадий талқинини фольклоризмлар типологияси ва таснифи контекстида илк бор Б.Саримсоқов тадқиқ этган³. Фольклоризмларнинг бадий асар матнидаги поэтик вазифалари ва талқинларига доир ана шу назарий концепция кейинчалик И.Ёрматов, Л.Шарипова, Г.А.Бегмуратоваларнинг илмий мақолалари ва диссертация ишларида⁴ янада ривожлантирилди.

Фольклор ва унинг ўзбек драматургиясига таъсири масаласи дастлаб Ғ.Жалолов, Ғ.Мўминов, Қ.Жўраев, А.Солиев, С.Асқаров ва бошқа олимларнинг диссертация ишларида ўрганилган⁵. Хусусан, Ғ.Жалолов ўзининг “Ҳамза драматургияси ва фольклор” номли рисоласида “Тадбирли аёл”, “Камбағал хотин хийласи”, “Тухматчилар жазоси” эртақларини “Майсаранинг иши” комедияси билан қиёсан таҳлил қилган⁶. “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 1969 йилги 6-сонида “Бир сюжетнинг манбалари тўғрисида” рукни остида Ш.Хўжаева, Ҳ.Ҳомидий ва Э.Шодиевнинг “Майсаранинг иши” комедияси сюжетининг фольклор асослари ҳақидаги мақолалари босилган⁷. Чўлпоннинг “Ёрқиной” драмасида халқ ижоди анъаналари, Иззат Султоннинг “Номаълум киши” драмасида бахши тимсолининг талқини ҳамда Комил Яшиннинг “Равшан ва Зулхумор” драмасида эпик сюжет интерпретацияси ҳам ўрганилган⁸.

Адабиётшунос олим А.Солиев ўзининг тадқиқотларида⁹ ўзбек драматургларининг халқ оғзаки ижодига хос бадий деталь, образ, мотив ва

М., 1985. – С.115-136; Майнагашева, Н.С. Народнопоэтические истоки хакасской драмы // Ежегодник Института саяно-алтайской тюркологии Хакасского государственного университета им. Н.Ф.Катанова. – Абакан: Изд-во Хакасского государственного университета, 2005. – Вып. IX. – С.152-156; Сарбашева А.М. Балкарская драматургия: этнофольклорная традиция, эволюция, жанровая специфика: Автореф. дисс. докт. филол. наук. – Нальчик, 2014. – 55 с.; Кобланов Ж.Т. Фольклорные сюжеты в драматургии // Филология и литературоведение. – 2013. – №10 [Электронный ресурс]. URL: <http://philology.snauka.ru/2013/10/580>.

³ Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. – 4-сон. – Б.37-45.

⁴ Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. – 2-сон. – Б.54-59.; Шу муаллиф. Типология фольклоризмов в советской узбекской литературе (60-е и начало 80-х годов): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985; Шарипова Л. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърисида фольклоризмлар: Филол. фанлари номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008; Бегмуратова Г.А. Мустақиллик даври қорақалпақ романларида фольклоризмлар: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Нукус, 2019. – 54 б.

⁵ Джалалов Ғ. Ҳамза и устное народное творчество: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1961. – 19 с.; Мўминов Ғ. Ўзбек совет адабиёти таракқиётида фольклорнинг ўрни. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.54; Жўраев Қ. 20-йиллар ўзбек драматургияси: Филол. фанлари докт... дис. автореф. – Тошкент, 1995. – Б.43; Солиев А. Ўзбек драматургиясида инсон талқини. – Тошкент, 2006. – Б.201. Асқаров С. “Майсаранинг иши” комедиясига халқ ижодининг таъсири // Совет мактаби. – Тошкент, 1966. – 4-сон. – Б.34-36; Шу муаллиф. “Майсаранинг иши” комедиясида фольклор мотивлари // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1967. – Б.144-149.

⁶ Жалолов Ғ. Ҳамза драматургияси ва фольклор. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.17-18.

⁷ Хўжаева Ш. “Майсаранинг иши” ва фольклор // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – 6-сон. – Б.13; Ҳомидий Ҳ. “Майсаранинг иши” ва “Минг бир кеча” // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – 6-сон. – Б.13-14; Шодиев Э. “Майсаранинг иши” ва бир ҳаётининг воқеа // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – 6-сон. – Б.15-16.

⁸ Собиров О. Фольклор анъаналари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1968. – 6-сон. – Б.24; Мамажонов С. Адабиёт ва фольклор // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – 3-сон. – Б.20; Мирзаев С. Яшин ижодида фольклор // Ҳамза ҳақида мақолалар. – Тошкент, 1963. – Б.123-134; Абдусаматов Ҳ., Қ.Самадов. Яшин. – Тошкент, 1964. – Б.261-270.

⁹ Солиев А. Ёзувчи, халқ, қаҳрамон. – Тошкент: Фан, 1979; Шу муаллиф. Халқ қаҳрамонларининг драматик талқини // Бадиият ва маҳорат. – Самарқанд: СамДУ, 1994. – Б.44-48; Шу муаллиф. Драматургия

эпик сюжетлардан фойдаланишдаги ўзига хослигини аниқлаган. Унинг Н.Азимова билан ҳамкорликда ёзилган “Ижод сабоқлари” китобида¹⁰ фольклор ва драматик асарларда қахрамон проблемаси ёритилган. М.Абдурахмонованинг Собир Абдулла ижодига бағишланган монографиясида¹¹ “Тоҳир ва Зухра” ҳамда “Алпомиш” драмаларининг фольклордаги замини ҳақида сўз юритилган.

Тадқиқотчи Д.Т.Расулмухамедова ёзувчи О.Ёқубовнинг “Соҳибқирон” драмасига халқ ривоятлари ва нақллари асос бўлганлигини аниқлаган¹². М.Фазилова “Алпомиш” достони сюжетининг сахнавий талқини таҳлили асосида Усмон Азимнинг бадиий маҳоратини ёритган¹³. Ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва таракқиётида фольклор анъаналарининг ўрни масаласини ўрганган Т.А.Абдурахимовнинг номзодлик диссертацияси Ҳамза, Ғулом Зафарий, Комил Яшин, Иззат Султон, Шукур Саъдулла, Рамз Бобожон ва Шароф Бошбековнинг драматик асарларидаги фольклор анъаналарининг поэтик вазифаларини тадқиқ этишга бағишланган¹⁴. Марказий Осиё халқлари эпик ижодиётининг театр санъати ривожидagi ролини ўрганган О.Қ.Тожибоевнинг ишларида эпос ва драматик санъат¹⁵, халқ ижодининг аудиовизуал талқини¹⁶ каби масалалар тадқиқ этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Навоий давлат педагогика институти “Ўзбек адабиёти” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режаси, шунингдек, 2012-2016 йилларда мазкур кафедрада олиб борилган Ф1-ХТ-0-19919 “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур таракқиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади истиқлол даври ўзбек драматургиясида маросим фольклорининг поэтик трансформациясини ёритиш, фольклор стилизацияси воситасида драматик асарда этномаданий контекст яратиш тамойилларини тавсифлаш, ҳозирги ўзбек кинодраматургиясидаги

ва анъанавийлик // Истиқлол ва ўзбек адабиёти масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 2006. – Б.90-93. Шу муаллиф. Ўзбек драматургиясида инсон талқини. – Тошкент, 2006. – 286 б.

¹⁰ Азимова Н., Солиев А. Ижод сабоқлари. – Тошкент, 1979. – Б.137-150.

¹¹ Абдурахмонова М. Собир Абдулла. – Тошкент: Фан, 1980. – Б.71-122.

¹² Расулмухамедова Д.Т. – Истиқлол даври ўзбек драматургиясида Амир Темур образини яратиш муаммолари: Филол. фанлари номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008. – Б.11.

¹³ Фазилова М. Усмон Азим ижодида “Алпомиш” достони мотивлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – 6-сон. – Б.64-68.

¹⁴ Абдурахимов Т. Ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва таракқиётида фольклорнинг ўрни: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – Б. 8-11.

¹⁵ Тожибоева О. “Алпомиш” достонининг ўзбек театридаги замонавий талқинлари // Ўзбекистон санъати: анъана ва трансформация жараёнлари. – Тошкент: СИТИ, 2005. – 80 б; Шу муаллиф. Миллий театр санъатида фольклорнинг ўрни // Ўзбекистон санъати: анъаналар ва ижодий изланишлар. – Тошкент: СИТИ, 2007. – Б. 34–35.

¹⁶ Тожибоева О. Фольклор санъатининг ОАВлардаги талқини ва ўрганилиш масалалари / Аудиовизуал журналистиканинг долзарб муаммолари. – Тошкент: ЎЗМУ, 2008. – Б.37-43. Тожибоева О.Қ. Эпическое творчество в национальном театральном искусстве // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз. – Нукус, 2009. – №1. – С.26-28; Шу муаллиф. Марказий Осиё театрлари тарихида халқ эпосининг ўрни: Санъатшунослик фанлари докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2011.

мифопоэтик тимсоллар бадиияти ва эпик сюжетлар стилизациясини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг вазифалари: Фольклор ва ўзбек драматургияси муносабати масаласининг ўрганилишига доир илмий адабиётларни танқидий таҳлил қилиш;

маросим фольклори драматургиясининг миллий ўзига хослигини кўрсатиш ҳамда унинг сахна санъати генезисида тутган ўрнини белгилаш;

ҳозирги ўзбек драматургиясида маросим фольклори анъаналарини бадиий талқин қилиш орқали этномаданий контекст яратиш тамойилларининг аутентив (жонли ижро шакли, оғзакилик) ҳолатини кўрсатиб бериш;

драматургларнинг анъанавий маросим фольклори (кокил қирқиш, алас, исириқ тутатиш, ойна кўрсатар ва бошқалар) материалларидан ижодий фойдаланиш маҳоратини аниқлаш;

ўзбек кинодрамаларидаги фольклоризмларни тасниф қилиш ва аудувизуал фольклоризмларнинг ўзига хос белгиларини тавсифлаш;

китобий дostonлар сюжетини бадиий қайта ишлаш тамойиллари ва унда эпик сюжет стилизациясининг ижодий тафаккурдаги ўрнига баҳо бериш;

қаҳрамонлик эпоси сюжетини сахнавий талқин этишда ижодкорнинг индивидуал бадиий маҳорати масаласини танқидий ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти XX аср охири – XXI аср бошларида яратилган драмалар, жумладан, У.Азимов, Э.Хушвақтов, Ш.Турдимов асарлари фактик манба вазифасини ўтади.

Тадқиқотнинг предметини фольклор ва драматургия муносабати, сахна санъати генезисида маросим фольклорининг тутган ўрни, халқ ижодининг драматик асарлардаги поэтик трансформация, эпик сюжетлар стилизацияси ва кинодраматургиясида мифопоэтик тимсоллар бадиияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, этнофольклористик ва бадиий-эстетик таҳлил методлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

истиклол даври ўзбек драматургиясидаги фольклор сюжетлари, мотив ва образларидан ижодий фойдаланиш асосида яратилган асарларнинг ўзига хос этномаданий контекстини белгиловчи фольклоризм (урф-одат, маросим айтимлари, олқишлар, мақоллар, кўшиқлар, ривоят қаби) манбалари аниқланган;

маросим фольклорининг драматик асарлардаги поэтик талқини ва трансформациясини аниқлаш асносида халқ оғзаки ижоди анъаналари сахна санъатининг шаклланишига асос бўлган манбалар ритуал аҳамиятга молик маросимий қадриятлар (мавсумий, оилавий-маиший ва диний-ибодат маросимлари) ҳамда моҳиятан драматик ҳаракат ва вербал компонентлар уйғунлигига асосланган норитуал қадриятлар (болалар ўйин фольклори, оммавий халқ ўйинлари ва анъанавий томоша санъати)дан иборатлиги исботланган;

кадимий ритуаллар ва маросимлар таркибидаги вербал компонентлар – кўшиқ ва айтимларнинг драматик ҳаракат ва сўз уйғунлигидан иборат театрлаштирилган халқ томоша асарларининг шаклланишига асос бўлганлиги кўрсатиб берилган ҳамда миллий сахна санъатининг тадрижий ривожини “маросим→ўйин→театр” босқичларидан иборатлиги илк бор далилланган;

ишда ўзбек фольклоршунослигида биринчи марта воқеликни сўз воситасида оғзаки ифода қилишдан иборат анъанавий аутентив эстетик категория ҳисобланган фольклорни телевидение, кино ва медиасанъат доирасида драматик талқин этиш, яъни халқ ижодига хос образлилик ва бадиий шартлиликни кино санъати тилига ўгиришда инновацион усулларни қўлланилиши натижасида фольклоризмнинг ўзига хос янги типи – «аудиовизуал фольклоризм»лар шаклланганлиги асосланган;

эпик сюжетларни стилизация қилиш халқ достонлари асосида сахна асарлари яратишнинг етакчи бадиий мезони эканлиги замонавий драматик асарлар тахлилида кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

халқ оғзаки бадиий ижодининг ўзбек драматургияси тараққиётига кўрсатган таъсири ва маросим фольклорининг драматик асарлар сюжетида тутган ўрни ойдинлаштирилган;

мавсумий, оилавий-маиший, сўз магиясига асосланган маросимлар, анъанавий халқ ўйинлари ва томошалардаги драматургия элементларининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган;

истиклол даври ўзбек драматургиясида фаол қўлланилган фольклоризмларнинг асар бадиий қурилишидаги поэтик вазифалари аниқланган, ўзбек кинодраматургиясидаги фольклоризмлар таснифланган ва этномаданий контекст яратишда фольклорнинг роли кўрсатиб берилган;

ҳозирги ўзбек драматургиясида эпик сюжетлар стилизациялаш анъанасини илмий ўрганиш асосида китобий ва қаҳрамонлик достонларининг сахнавий талқинига хос хусусиятлар ойдинлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадиий манбалардан олинганлиги, чиқарилган хулосаларнинг ҳозирги ўзбек драматургиясида фольклоризмларнинг тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, этнофольклористик каби тадқиқ методлари билан асосланганлиги, ўрганилиши лозим бўлган илмий муаммонинг аниқлигини ва адабий манбаларга таянилгани сингари жиҳатлари билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар туркий халқлар драматургиясидаги фольклоризмларни қиёсий-типологик жиҳатдан кенг қўламда монографик тадқиқ қилишда муҳим назарий аҳамият касб этиши билан белгиланади. Ўзбек драматургиясидаги маросим фольклорининг бадиий талқини ҳамда эпик сюжетлар стилизациясини тадқиқ этишга бағишланган ушбу диссертация иши истиклол даври ўзбек

адабиёти ва ҳозирги адабий жараённинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга ҳам хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўзбек драмаларида маросим фольклори анъаналари ва эпик сюжетлар стилизациясини ўрганишга оид материаллардан олий ўқув юртларида “Ўзбек адабиёти” ва “Ўзбек фольклори” фанлари бўйича маърузалар ўқишда, фольклор ва ёзма адабиёт, ҳозирги адабий жараён, XX аср ўзбек адабиёти, ўзбек драматургияси масалалари бўйича махсус курслар ўтишда, академик лицей ва умумтаълим мактабларида дарс машғулоти олиб боришда, ўқув қўлланмалар, дарслик, атамалар луғати ва мажмуалар яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги ўзбек драматургияси ва фольклор стилизацияси масаласини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маросим фольклори анъаналарининг драматик асарлар сюжети ва композицион қурилишидаги бадиий талқинларини ижодкорнинг фольклордан фойдаланишдаги ўзига хос поэтик маҳорати контекстида тадқиқ этиш асосида чиқарилган илмий-назарий хулосаларидан Навоий давлат педагогика институтида 2008-2010 йилларда бажарилган “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03/4004-сон маълумотномаси). Натижада драматик асарларга сингдириб юборилган ўзбек маросим кўшиқлари ва айтимларида ўз ифодасини топган миллий қадриятлардан маънавий-маърифий тадбирларда фойдаланишнинг педагогик имкониятларини кенгайтиришга эришилган;

истиклол даври драмалари ва киноасарларида қўлланилган аудиовизуал фольклоризмларнинг мифопоэтик талқинларини ўрганиш асосида олинган натижалардан Навоий давлат педагогика институтида 2012-2016 йилларда олиб борилган Ф1-ХТ-0-19919 рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқотни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03/4004-сон маълумотномаси). Натижада фольклор анъаналари орқали етиб келган қадимги миф ва мифологик образларнинг ҳозирги ўзбек адабиёти бадииятини бойитишдаги ўрнини таҳлил қилиш асосида мифологизмлар поэтикаси ойдинлаштирилган;

Ўзбекистон Республикаси Навоий вилояти Маданият бошқармаси, Навоий шаҳар Маданият бўлимининг “Наврўз” умумхалқ байрами анъанавий оммавий тадбирлар: “Лола сайли”, “Қизил гул сайли”, “Ашшадарози” ўйинларини сахналаштиришда (Ўзбекистон Республикаси Навоий вилояти Маданият бошқармаси, Навоий шаҳар Маданият бўлимининг 2019 йил 20 сентябрдаги № 01-07/123-сон маълумотномаси), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Навоий вилояти бўлими “Мозий кўзгуси”, “Маънавият сарчашамаси”, “Долзарб мавзу”, “Қадрият, урф-одат ва анъана”, “Наврўз

удумлари”, “Адабий муҳит”, “Қадриятлар – қадим бешиги”, “Маънавият гулшани” каби телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни тайёрлашда тадқиқотчининг назарий хулосаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Навоий вилояти бўлимининг 2019 йил 5 ноябрдаги 3264-сонли маълумотномаси). Натижада телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар илмий жиҳатдан бойитилиб, унутилган миллий қадриятлар кенг оммага ҳавола этилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда, 7 та, жумладан, хорижий журналда 2 та, республика журналларида 5 та мақола нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ҳажми 155 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати асосланган, тадқиқотнинг янгилиги ва ўрганилиши кўрсатилган, диссертациянинг илмий тадқиқот иши режалари билан боғлиқлиги баён этилган, мақсади ҳамда вазифалари аниқланган, манбалари, тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, жорийланиши санаб ўтилган, ишнинг таркиби қисмлари бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ўзбек фольклори ва унинг драматургия таракқиётидаги ўрни”** номли биринчи бобининг илк фасли **“Драматик асарлардаги фольклоризмларнинг ўрганилиши”** масаласига бағишланган.

Маълумки, ўзбек драматургияси фольклор анъаналари заминидан шаклланилиши сабабли ХХ асрнинг 20-30-йиллар ўзбек адабиётига мансуб драматик асарлардаги фольклоризмлар таҳлилига диққатни қаратишган. Хусусан, Ҳамзанинг халқ оғзаки ижодидан фойдаланишдаги ўзига хос маҳоратини очиб берган Ғ.Жалолов “Майсаранинг иши” комедиясининг сюжет асослари “Тадбирли аёл”, “Камбағал хотин хийласи”, “Тухматчилар жазоси”, “Вафо” каби эртаклар ҳамда “Минг бир кеча”нинг 592-595-кечаларида ҳикоя қилинган араб эртакларига бориб тақалишини аниқлаган.¹⁷ 20-йиллар ўзбек шеъриятида фольклор анъаналарининг таъсирини тадқиқ

¹⁷ Джалалов Г. Ҳамза и устное народное творчество: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1961. – 19 с.; Шу муаллиф. Ҳамза драматургияси ва фольклор. – Тошкент: Фан, 1988.

этган С.Асқаров “Майсаранинг иши” комедиясининг сюжет қурилишига халқ эртакларига хос эпик мотивлар сингдириб юборилганлиги эътироф этади.¹⁸

“Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 1969 йилги 6-сонида “Бир сюжетнинг манбалари тўғрисида” рукни остида уч муаллифнинг “Майсаранинг иши” комедиясига оид мулоҳазаси эълон қилинган. Жумладан, Ш.Хўжаева Майсара ҳақидаги сюжетни ишлашда ижодкор “Камбағал хотин ҳийласи” эртагининг бирор вариантыга асосланган деса, Ҳ.Ҳомидий бу драматик асарнинг яратилишига асос бўлган манбани “Минг бир кеча” деб билади. Э.Шодиев эса Хўжанддаги Таги тутикалон қишлоғида бўлиб ўтган реал ҳаётий воқеа асосида “Майсаранинг иши” комедияси яратилган, деб ҳисоблайди.¹⁹ Диссертацияда “Майсаранинг иши” комедияси эртак сюжетини стилизация қилиш асосида юзага келганлиги далилланган.

XX асрнинг 50-60-йилларига келиб ўзбек драматургиясида фольклор аъналарининг таъсири яққол кўзга ташлана бошлаган. С.Мамажонов бу давр драматургиясидаги фольклоризмлар моҳиятини ёритар экан, Комил Яшин, Собир Абдулла, Шайхзода, Иззат Султон драмалари таҳлили асосида драматик образлар талқинида халқ дostonларининг таъсири сезилишини таъкидлаган.²⁰ Ўзбек адабиёти тараққиётида фольклорнинг роли масаласини насрий ва драматик жанрлар мисолида ўрганган Ғ.Мўминов Собир Абдулланинг “Тоҳир ва Зухра”, “Алпомиш”, Туйғуннинг “Баҳодир”, Комил Яшиннинг “Равшан ва Зулҳумор”, “Фарҳод ва Ширин” асарларидаги фольклоризмларнинг манбаларини яхши очиб берган.²¹

Драматик асарларда инсон концепцияси ва драматик образ яратишда ижодкор маҳорати ўрганган А.Солиевнинг Эргаш Жуманбулбул ўғлининг “Равшан” достони ва Комил Яшиннинг “Равшан ва Зулҳумор” драмасининг образлар тизимини қиёслаш асосида драматургнинг аънавий эпик сюжетга ижодий ёндашганлигини асослаган.²² У XX аср бошларидан эътиборан шакллана бошлаган ўзбек драматургиясига халқ оғзаки ижодининг таъсирини ўрганиш асосида драматургларнинг фольклорга хос романтик воқеалар талқинидан ижодий фойдаланишидаги қуйидаги уч хусусият мавжудлигини аниқлаган: а) драматурглар ижодида романтиканинг ривожлантириши; б) романтиканинг айрим ўринларда ўз ҳолича сақланиши; в) романтик воқеликнинг ҳаётий воқелик билан алмаштирилиши.²³

¹⁸ Асқаров С. “Майсаранинг иши” комедиясига халқ ижодининг таъсири // Совет мактаби. – Тошкент, 1966. – 4-сон. – Б.34-36; Шу муаллиф. “Майсаранинг иши” комедиясида фольклор мотивлари // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1967. – Б.144-149.

¹⁹ Хўжаева Ш. “Майсаранинг иши” ва фольклор // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – 6-сон. – Б.13; Ҳомидий Ҳ. “Майсаранинг иши” ва “Минг бир кеча” // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – 6-сон. – Б.13-14; Шодиев Э. “Майсаранинг иши” ва бир ҳаётий воқеа // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – 6-сон. – Б.15-16.

²⁰ Мамажонов С. Адабиёт ва фольклор // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – 3-сон. – Б.20.

²¹ Мўминов Ғ. Ўзбек совет адабиёти тараққиётида фольклорнинг ўрни. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.53.

²² Солиев А. Ёзувчи, халқ, қаҳрамон. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.43; Шу муаллиф. Халқ қаҳрамонларининг драматик талқини // Бадиият ва маҳорат. – Самарқанд: СамДУ, 1994. – Б.44-48; Шу муаллиф. Драматургия ва аънавийлик // Истиклол ва ўзбек адабиёти масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 2006. – Б. 90-93.

²³ Солиев А. Ўзбек драматургиясида инсон талқини: Филол. фанлари докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 1994. – Б.37.

Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб шаклланган фольклоризмлар типологиясига доир назарий концепция асосида бадиий матндаги фольклоризмлар структурал жиҳатдан аналитик, синтезлашган ва стилизация характеридаги фольклоризмларга бўлиб таснифланди.²⁴ Фольклоризмлар типологиясини ўрганган И.Ёрматов “адабий асар ташийдиган фалсафий-эстетик мазмуннинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қиладиган” аналитик фольклоризмларни бадиий матнда функционал хоссаларига кўра тўрт турга ажратиб таснифлади.²⁵ Д.Т.Расулмухамедова ёзувчи О.Ёкубов ўзининг “Соҳибқирон” драмасини яратишда халқ ривоятлари ва нақлларини асос қилиб олганлигини аниқлади.²⁶ М.Фазилова Усмон Азим драмаларидаги эпик образ ва унинг драматургик талқинини ўрганиш асосида истиқлол даври ўзбек драматургиясининг бадиий-услубий тамойилларини ёритди.²⁷

Ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва таракқиётига фольклор анъаналарининг кўрсатган таъсирини фольклоршунослик аспектида илк бор тадқиқ этган Т.А.Абдурахимов эртақчилик анъаналари ва кўшиқчилик санъатининг драма жанрига таъсири, драматик асарларда фольклор асарларининг бадиий шаклидан фойдаланишда поэтик маҳорат масалаларини ёритган.²⁸ Фольклор ва драматургия муносабати масаласини ўрганиш борасида ўзига хос янги йўналишни бошлаб берган О.Қ.Тожибоева Марказий Осиё халқлари эпик ижодиётининг минтақа халқлари театр саҳнасидаги бадиий талқинларини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганди.²⁹ Шу тариқа анъанавий эпосининг саҳнавий талқинлари асосида юзага келган саҳна асарлари замонавий театр санъатининг бадиий контекстида устувор аҳамиятга эгаллиги далилланди.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли **“Маросим фольклори драматургияси ва саҳна санъати генезиси”** деб номланган. Туркий халқлар адабиётшунослигида драматургиянинг фольклордан озикланганлиги ҳамда драма жанрининг келиб чиқишида халқ ижоди бирламчи поэтик асос ролини ўтаганлиги эътироф этилган.³⁰ Дарҳақиқат, драма жанрининг илк ибтидоси ҳам халқ оғзаки поэтик ижодининг драматик турга мансуб жанрларига хос

²⁴ Саримсоков Б. Фольклоризмлар типологияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. – 4-сон. – Б.37-45.

²⁵ Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. – 2-сон. – Б.54-59.

²⁶ Расулмухамедова Д.Т. – Истиқлол даври ўзбек драматургиясида Амир Темур образини яратиш муаммолари: Филол. фанлари номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008. – Б.11.

²⁷ Фазилова М. Усмон Азим ижодида “Алпомиш” достони мотивлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – 6-сон. – Б.64-68.

²⁸ Абдурахимов Т. Ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва таракқиётида фольклорнинг ўрни: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – Б.8-11.

²⁹ Тожибоева О.Қ. Марказий Осиё театрлари тарихида халқ эпосининг ўрни: Санъатшунослик фанлари докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2011.

³⁰ **Қаранг:** Каскабасов С. Театральные элементы в казахских обрядах и играх // Фольклорный театр народов СССР. – М., 1985. – С.115–136; Саримсаков Б. Обряды и обрядовый театр (постановка проблемы) // Культура Среднего Востока. Музыкальное, театральное искусство и фольклор. – Ташкент: Фан, 1992. – С.143–149; Майнагашева Н.С. Народнопоэтические истоки хакасской драмы // Ежегодник Института саяно-алтайской тюркологии. – Абакан, 2005. – Вып. IX. – С.152–156; Сарбашева А.М. Балкарская драматургия: этнофольклорная традиция и эволюция жанра. – Нальчик, 2009.

хусусиятлари, айниқса, оғзаки драма, масхарабозлик, қўғирчоқбозлик, муқаллид, аскиячилик ва қизиқчилик санъати анъаналарига бориб тақалади. Драматик санъатга хос сахнавийлик, табиий-хаётий декорация ва ролларни ижро этиш анъанаси халқимизнинг маросим ва урф-одатларида, анъанавий ўйин фольклорида яққол кўзга ташланади.

Маросим ва удумларнинг қадимги шакллари муайян эътиқодий қарашларни ифодалашга хизмат қилгани учун рамзий-ритуал хатти-ҳаракатлар мажмуидан иборат бўлган. Аммо даврлар ўтиши билан маросим таркибидаги кўпгина мифологик ва ритуал табиатга эга бўлган удумлар ўзининг муқаддаслик хусусиятини йўқотиб, анъанавий хаётий сахна асари шаклини ола бориши натижасида томошавийлик ва театрлаштирилган томоша санъатининг илк элементлари юзага келган. Шу тариқа анъанавий маросимий қадриятлар тизимида драмага хос экспрессивлик, томошавийлик, театрализация, сахнавий ҳаракатларда ифодавийликнинг ёрқин намоён бўлиши, кучли ва ишончли катарсис ва театр санъатига хос бошқа элементларнинг илк эмбрионал кўринишлари вужудга келган.

Жаҳоннинг бошқа халқларида бўлгани сингари Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбекларда ҳам театр санъати ва драма жанрининг юзага келишида фольклор анъаналарининг ўзига хос кўриниши бўлган халқ ўйинлари ва оммавий томоша санъатининг ўрни катта бўлган.

Халқимиз орасида қадимдан турли сайил-томошалар, байрамлар ва тўйларда ўйналиб келинган “Шафтоли-шакар”, “Мошова”, “Буқурма таёқ”, “Ошиқ ўйин”, “Подшо-вазир”, “Олтин қобок”, “Олма отиш”, “Гул базми”, “Ширинновот”, “Хуббимбой”, “Ашшадарози”, “Арава ўйин”, “Лайлак илонни овлади”, “Юмронқозик”, “Кади бадбахт”, “Чағаллоқ” каби турли хил анъанавий ўйинлар мавжуд бўлганки, уларнинг барчаси мазмунан фабулатив шаклдаги сюжет асосида шаклланган табиий-хаётий сценарий бўйича ўйналиши, иштирокчилар хатти-ҳаракатларнинг шартли-ролли бўлинишга эгаллиги, ўйин бўлиб ўтадиган жойнинг томошагоҳ (амфитеатр) вазифасини ўташи, ўйин ижроси давомида хонандалик (қўшиқчилик), рақс (ўйин тушиш), муқаллидлик (муайян одам ёки жониворнинг овози, ҳолати ёки ҳаракатига тақлид қилиш) санъати элементларининг қўлланилиши, ўйин давомида ўйин иштирокчилари (ижрочилар) билан уни томоша қилиб турган халқ (томошабин) ўртасида ҳиссий-эмоционал мулоқот сақланиб туришига кўра моҳиятан сахна асари характерига эга бўлган.

Ўзида драматик санъатга хос хусусиятларни яққол акс эттирган анъанавий халқ ўйинларидан бири “Подшо-вазир” ўйинидир. Бу ўйиннинг қай тартибда ўйналиши, миллий талқинлари ва тарихий-генетик асослари хусусида Р.Р.Рахимов, М.Қодиров, Т.Қиличев, И.Т.Сағитов, Ш.Галиев каби олимларнинг ишларида батафсил маълумотлар берилган.³¹

³¹ Рахимов Р.Р. “Мужские дома” в традиционной культуры таджиков. – М.: Наука, 1990. – С.47-48; Қодиров М. “Олов уйи”дан таркаган турфа ўйинлар // Нафосат. – Тошкент, 1993. – 3-4-сонлар. – Б.16; Қиличев Т. Хоразм халқ театри. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б.86-88; Галиев Ш. Ўзбек боалалр ўйин фольклори. – Тошкент: Фан, 1998. – Б.40–42.

Генетик асосига кўра “эркаклар уйи”даги муқаддас – ўчмас олов атрофига йиғилган эркаклар ёки ўша ерда муайян синов-инициация маросими ритуалларини бажариш учун тўпланган йигитлар тарафидан ўйналган бу ўйин асрлар ўтиши билан ўзининг мажик функциясини йўқотгач, оддий кўнгил очар томоша унсурига айланган. “Подшо-вазир” ўйинида иштирокчилар орасида ролларнинг тақсимланиши қўй ошиғи воситасида амалга оширилган. Бу ўйин ўзининг анъанавий тарзда шаклланган сюжет қурилиши, яъни ҳаётий сценарийсига эгалиги, ўйин иштирокчиларидан ҳар бири ўзига хос ролларни (подшо, вазир, сўфи, айбдор – ўғри каби) бажариши, ана шу иштирокчилар (актёрлар) ўртасида анъанавий диалог мавжудлиги, ўйин ўтадиган махсус жой (сахна вазифасини ўтовчи меҳмонхона) танланганлиги, ўйинда бевосита иштирок этувчи, яъни муайян роль бажарувчилар (подшо, вазир, айбдор ва унинг шериги) ҳамда уларнинг хатти-ҳаракати, яъни ўйинини томоша қилувчи йигитлар (томошабинлар) ўртасида мулоқот мавжудлиги, ўйин сценарийси ўзининг бошлама (“ошиқ ташлаш”) ва яқунланма (ўғрининг жазоланиши)сига эгалиги билан сахна асари табиатига хос белгиларни ўзида мужассамлаштирган.

Драма жанри ва театр санъатига хос томошавийлик ва эмоционал-эстетик таъсир кучининг устуворлик қилиши каби элементлар халқимизнинг анъанавий тақвим билан боғлиқ мавсумий маросимларида мавжуддир. Айниқса, йилбоши – Наврўз байрами сайли муносабати билан ўтказиладиган анъанавий театрлаштирилган майдон томошалари, «Лола сайли», «Қизил гул сайли», ёмғир чақириш ва уни тўхтатиш маросимлари, шамол чақириш ва уни тўхтатиш маросимлари, ҳосилдорлик култи билан боғлиқ халқ сайиллари ва бошқа тақвимий маросимлар ўзининг драматургияси ва сахнавий талқинига эга бўлган. Диссертацияда “Ашшадарози” ўйинининг таҳлили мисолида мавсумий маросимларнинг ўтказилишида сахнавийликнинг асосини ташкил этувчи хатти-ҳаракат билан сўзнинг мутаносиблиги мавжуд бўлганлиги, шунингдек, воқеликнинг драматик талқини ва унинг композицион жиҳатдан тизимий характер касб этиши асослаб берилган.

Сўз магияси билан боғлиқ маросим фольклоридаги драматик санъат элементларига мисол тариқасида кўз теккан беморни даволаш мақсадида ўтказилган “суқ чиқариш” маросими фольклори таҳлилга тортилган. Бахши қўлига бир бўлак нонни олиб, ўша нон бўлагини беморнинг турли жойларига тегизиб:

Даштларга бор, чиқ-чиқ,
Чўлларга бор, чиқ-чиқ,
Эски тегирмонларга бор,
Мени баламга нима ишинг бор,
Чиқ, чиқ, чиқ! –

деб суқ чиқарган.³² Бу маросимда шомонийлик амалиётининг кўз магияси билан боғлиқ бу ритуали театрлаштирилган сахнавий асарга хос шаклда

³² Шаниязов К. Узбеки-карлуки. – Ташкент: Фан, – С.159-160.

ўтказилган. Бу маросимда ҳар бир иштирокчи, яъни бемор, унинг қариндошлари ёки ҳамроҳ(лар)и ва даволаш амалиётини бажарувчи шахс – қушноч (ёки бахши) ўзига хос функцияни адо этади. Иштирокчилар ўртасидаги нутқий мулоқот бемор билан қушноч (бахши) ўртасидаги диалог ҳамда даволаш амалиётини бажарувчи шахснинг монологи орқали реаллашади. Маросим ўтиши учун алоҳида жой ва атрибутлар(кул, нон бўлаги)нинг танланиши ҳам сахна асарига хос табиат касб этган.

Тадқиқот натижасида миллий сахна санъатининг келиб чиқиш тарихи “маросим→ўйин→театр” босқичларидан иборатлиги асосланган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Истиклол даври ўзбек драматургиясида маросим фольклорининг поэтик трансформацияси**» деб номланган бўлиб, унинг илк фаслида «**Фольклор стилизацияси ва драматик асарда этномаданий контекст**» масаласи тадқиқ этилган.

Истиклол даври ўзбек драматургиясида халқ урф-одатлари ва маросим фольклорининг сахнавий талқини асосига қурилган сахна асарларининг юзага келиши адабий стилизация намунасидир. “Стилизация деб ўзгалар услубини ўзининг бадиий ниятига мослаб йўналтиришга айтилади. Муаллиф томонидан онгли равишда қўлланилган бу усул тасвирланаётган бадиий лавҳанинг этнографик контекстини шакллантириш ва персонажлар нутқининг табиийлигини таъминлашга хизмат қилади”.³³ Стилизация усулининг драматик асарлардаги поэтик табиати ва функционал-семантик хусусиятлари Ю.В.Розанов, С.В.Смоличева, Г.А.Султанованинг ишларида ёритилган.³⁴

Адабиётшунос Б.Саримсоқов стилизация характеридаги фольклоризмлар “ўз характерида кўра иккига бўлинади: а) ижобий характеридаги стилизация асосида юзага келган фольклоризмлар; б) салбий характеридаги стилизация асосида юзага келган фольклоризмлар.”³⁵ Л.Ф.Шарипова ўзбек шеърисидаги фольклоризмларни жанр стилизацияси, мотив стилизацияси, образ стилизацияси ва фольклорга хос ритм стилизацияси каби тўрт типга бўлиб таснифлаган.³⁶ Стилизация характеридаги фольклоризмларнинг ўзига хос хусусиятлари И.Ёрматов томонидан ҳам ёритилган.³⁷

Ёзма адабиётда, жумладан, драматургияда учрайдиган стилизация характеридаги фольклоризмлар ўзининг бадиий-эстетик табиатига кўра халқ ижодининг жонли ижро шакли, яъни аутентив ҳолатидан фарқ қилади. Жумладан, Эркин Хушвақтовнинг “Чимилдиқ” драмасида қўлланилган никоҳ тўйи маросими билан боғлиқ фольклоризмлар ушбу маросимнинг халқ

³³ Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М., 1972. – С.285.

³⁴ Розанов Ю.В. Драматургия Алексея Ремизова и проблема стилизации в русской литературе начала XX века: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Вологда, 1994. – 21 с.; Смоличева С.В. Поэтика стилизации и пародирования в драматургии В.В.Набокова: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Таганрог, 2007. – 21 с.; Султанова Г.А. Фольклор в драматургии и театре Дагестана. – Махачкала, 2008.

³⁵ Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. – 4-сон. – Б.98.

³⁶ Шарипова Л.Ф. XX асрнинг 70–80-йиллари ўзбек шеърисида фольклоризмлар: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б.18.

³⁷ Ёрматов И. Стилизация характеридаги фольклоризмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1984. – 3-сон. – Б.31–35.

орасида урф бўлган амалдаги этнофольклористик ифодасидан стилизация қилинганлиги билан ўзига хослик касб этади.

“Чимилдик” драмасида кўпроқ ўзбек халқида кузатиладиган, ҳали бир-бирини кўрмаган келин ва куёвнинг “тил топишуви” сахнавий талқин этилган. Ўзига нотаниш йигит билан унаштирилиб никоҳланаётган келиннинг биринчи кечадаги ҳадиклари, куёв йигитнинг келин бола қалбига йўл излаб хуноб бўлиши оқибатида куёвнинг асабийлашуви, келиннинг кўрқиши, уларга “посбон” вазифасини ўтовчи момонинг исириқ тутатиб, инс-жинсларни ҳайдаши мотиви келтирилади. Момо образи ўзбек халқи мифологик тасаввурларида мифологик макон ва замин оламини боғлаб турувчи восита, рухлар олами, рухлар билан мулоқот қила олувчи қудратли шахс. Ўзбек мифологиясида момолар култи алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, момолар париларнинг умумий–турдош номи ҳамдир. Туркий мифологияда момо тимсолида ёвузлик ташувчи демонологик персонажлар (ялмоғиз, жестирноқ, мурту), эзгу куч саналмиш мифологик образлар (парилар) тўғрисидаги тасаввурлар шаклланган.

Драматург Э.Хушвақтовнинг “Чимилдик” асарида момо образининг сахнага чиқиши унинг бевосита магик моҳият ташувчи персонаж сифатида характер касб этади. Момо ўз ҳаракатлари билан, қаҳрамонларга муносабатлари билан магик мазмунни ифодалашга хизмат қилади. Драмада чимилдикнинг муқаддаслиги келинга момо тилидан айтилади.

Келин билан тил топаолмаётган куёвга пичоқ ва узук совға қилади ва бу буюмларнинг бобомерос эканлигини таъкидлайди. Пичоқни мерос сифатида тақдим этиши туркий халқларда узок даврлардан ҳозиргача сақланиб қолган анъаналар сирасига киради. Пичоқ қадимги аждодларимизнинг асосий иш қуроли, аниқроғи ов қуроли бўлганлиги учун туркий қавмлар пичоқни ризқ-насиба манбаи сифатида улуғлашган. Драмада қаҳрамонга буюм тақдим этилиши мотиви икки асосий тимсолий маънони ифодалашга хизмат қилган: а) магик ҳимоя, яъни қаҳрамонларни ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш; б) серпуштлик ғояси билан боғлиқ фарзанд тилаш. Қаҳрамонга момо тамонидан пичоқ ва узукнинг тақдим этилиши мотиви ўзбек халқининг никоҳ ва муқаддас оила, аждодлар култи билан боғлиқ қадимий мифологик тасаввурларнинг тафаккуримиздаги диффузиялашган кўрнишидир. Пичоқ ўғил фарзанд тилашни, узук қиз фарзанд тилашнинг тимсолий белгисидир.

Диссертацияда ёзма адабиётда, жумладан, драматургик асарларда қўлланилган фольклоризмлар орасида алоҳида муҳим ўрин тутадиган урф-одат, маросим, расм-русум, турли ритуал ва ишонч-эътиқодларга алоқадор кўшиқ, айтим ва аломатлардан иборат фольклоризмларни уларнинг бирламчи манбаи бадиий асар сифатида моҳият касб этганлигини ҳисобга олган ҳолда “этнопоэтик фольклоризмлар” деб юритиш таклифи ўртага ташланди. Хусусан, Э.Хушвақтовнинг “Чимилдик” асаридаги ўзбек никоҳ тўйи маросими билан боғлиқ этнофольклористик контекстни ифодаловчи номоддий маданий мерос намуналарининг стилизацион шаклдаги бадиий талқинлари этнопоэтик фольклоризм намунаси.

Драматург Э.Хушвақтовнинг қаламига мансуб “Қирмизи олма” асарида ўзбек никоҳ тўйи маросимидаги «Эшик супурди» удуми талқин қилинган: “Қурбон момо эрта тонгда туриб супада ўтириб ният қиляпти: – Икки кундан буён уйимизни остонасини кимдир супуриб кетаяпти. Эй худо, остонамга қадами теккан элчини дили, нияти пок бўлсин! – деб (дуо қилиб кириб кетади)”³⁸.

Совчилик удуми билан боғлиқ “остона супуриш” одати уй остонасининг мўътабарлиги ҳақидаги анимистик қарашлар асосида келиб чиққан бўлиб, унинг асосида остона культига ишонч ётади. Тоғли олтойликларнинг мифологик тасаввурларига кўра, уй эшигининг остонаси, яъни бўсағаси “Эжик тенерези” (Эжиктын ээзи) – эшик руҳи ёки “Позого ээзи” – остона руҳининг макони деб, тасаввур қилинган.³⁹ Драматург Э.Хушвақтов халқимизнинг никоҳ тўйи маросимининг тўйгача бўлган расм-русумлари сирасига мансуб “эшик супурди” (ёки “остона супурди”) одатини асар композицион структурасига сингдириш орқали этнографик контекстнинг табиийлиги ва томошавийлигини таъминлаган.

“Қирмизи олма” драмасида қўлланилган стилизация характеридаги фольклоризмлар миллий колоритини яратишга хизмат қилиш, асар персонажларининг характери ёрқинроқ очиб бериш, халқимизнинг турмуш тарзида архаиклашган удум ва рамзий ритуалларни этнографик деталь сифатида драматик асарга сингдириш орқали ҳаётини воқеликни сахнавий талқинда жонлироқ бўлишини таъминлаш, персонажлар нутқининг миллий хусусиятини бойитишга хизмат қилиш каби поэтик вазифаларни бажарган.

Иккинчи бобнинг **“Фольклор анъаналари ва кинодраматургияда мифопоэтик тимсол”** номли кейинги фаслида “Йўл бўлсин” фильми сценарияси аудиовизуал фольклоризмлар контекстида таҳлил қилинган. Ҳозирги жаҳон фольклоршунослигида фольклор асарларининг драматик, кинодраматик ва теледраматик талқинлари аудиовизуал антропология йўналишида тадқиқ этилмоқда. Бу эса драматургиядаги фольклоризмларнинг поэтик талқини ва семантикасини ўрганишда кино ва теледраматургия материалларини ҳам тадқиқот объекти қилиб олишни тақозо этади. Фольклор ва кино санъати, кинематографиядаги фольклоризмларнинг функционал-семантик хусусиятлари Н.М.Зоркая, В.И.Фомин, Н.А.Хренов, М.А.Хакуашева, А.В.Пламадяла, Е.А.Морева ва Н.Ю.Спутницкая томонидан таҳлил қилинган.⁴⁰ Ҳ.Акбаровнинг «Фольклор ва фильм: методологик

³⁸ Хушвақтов Э. Чимилдик (драмалар). – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. – Б.64–65.

³⁹ Бурнаков В.А. Образ духа-хозяина дома в традиционных представлениях алтайцев // Сибирский этнографический вестник. – Новосибирск, 2004. – №17 (18). – С.134.

⁴⁰ Зоркая Н.М. Фольклор. Лебкок. Экран. – М.: Искусство, 1994. – 239 с.; Фомин В.И. Правда сказки. Кино и традиции фольклора. – М.: Материк, 2001. – 278 с.; Хренов Н. Кино: реабилитация архетипической реальности. – М.: Аграф, 2006. – 240 с.; Хакуашева М.А. Мифологические образы и мотивы в фольклоре, литературе и искусстве. – Нальчик: Издательский отдел КБИГИ, 2014. – С.140-156; Пламадяла А.В. Кино, фольклор и литература (преломление национальных художественных традиций в молдавском киноискусстве). – Кишинев: Штинца, 1985. – 169 с.; Морева Е.А. Смыслообразующая функция фольклора в кинематографе // Культура и цивилизация – М., 2016. – №6. – С.428-137; Спутницкая Н.Ю. Волшебная

чизгилар» номли мақоласида асрлар давомида халқ бахшиларининг жонли ижроси орқали оғиздан-оғизга ўтиб ривожланиб келган анъанавий эпик сюжетларнинг ёзма адабиёт орқали киноталқинга кўчиши жараёнида архетипларнинг поэтик диффузияси хусусида қизиқарли мулоҳазалар билдирилган.⁴¹ О.Тожибоева ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш” достонининг театр ва кино санъатидаги бадиий талқинларини ўрганган.⁴²

Халқ ижоди анъаналарининг кинофильмлардаги бадиий талқинлари, жумладан, эпик сюжетларнинг поэтик трансформацияси, урф-одат ва маросимларнинг этномаданий стилизацияси, мифологик тасаввурлар ва архетипик деталларнинг визуал семантик код сифатидаги ифодаларини «аудиовизуал фольклоризмлар» термини билан аташ мақсадга мувофиқдир. Истиқлол даври ўзбек кино санъатида яратилган «Чимилдиқ», “Йўл бўлсин” каби кинофильмлар фольклорнинг аудиовизуал синтези сифатида юзага келган.

Ўзбек маросим фольклори, халқ кўшиқчилиги, қадимги ишонч-эътиқодлар ва тасаввурлар билан боғлиқ мифопоэтик тимсоллар асосига қурилган “Йўл бўлсин” кинофильми сценарийсида қадимги туркийларнинг уч ўлчамли олам ҳақидаги мифик қарашлари, халқимизнинг тумор, туғдона, кокил, соч, рўмол, олма, қовун, пичоқ, қўғирчоқ, буғдой, олма, анжир, сув, шамол, арқон, ит, чироқ, сандиқ каби мифопоэтик тимсоллари, кокил қирқиш, алас, қоқимчилик, бола маст, тухум солар, ойна кўрсатар ва бошқа маросимларнинг аудиовизуал бадиий талқини берилган. Хусусан, “Кокил қирқиш” удумининг этнопоэтик талқини Ш.Турдимовнинг “Йўл бўлсин” фильмининг киносценарийсида қуйидагича бадиий ифода қилинган: *“Ҳовуз атрофида давра қуриб ўтирган ўн чоғли эркаклар – аёлларнинг қўллари фотиҳага очилган. Оппоқ соқолли қария пичирлаб, фотиҳа ўқимоқда. Булоқнинг ариқ чиққан томонида, ўрта ёшли бир киши билан Азиз кўчқорни кўликлаб (оёқларини бир қилиб, боғлаб) пичоқ тортишига шай, даврадаги оқсоқолнинг ишорасини кутиб туришибди... Ота ўғлини оқсоқол ёнига олиб келиб, унинг энсасидаги кокилни кафтига олади. Оқсоқол ўнг қўлини қонга тегизиб, уч бор кокилни қонлайди. Даврадаги аёллардан бири ўрнидан туриб, оқсоқолга қайчини узатади. қайчини олаётган қариянинг қўли оҳиста титраганида, қайчининг тизгида синган қуёш нури ёғдуланиб, жило беради. қайчи тутган қариянинг қўллари бола кокилига яқин келади, қайчи кокилга ботиб, қуёшнинг жилоси қатор оқаётган сувга ўтади, қайчи тутган қўл қатор оқаётган сувни қирқа бошлайди».*

Кўринадики, бу лавҳада халқимиз орасида анъанавий тарзда ўтказилган боланинг “ҳайдар”ини қирқиш маросимининг барча рамзий моҳият касб этган ритуаллари ўз аксини топган. Бу удумни бажариш чоғида кўчқор, яъни жонлиқ сўйиб, бола кокилини “қонлаш” ритуали ўғил боланинг бир ёш-

сказка и фольклорные традиции в российском детском кино: Автореф. дисс. канд. искусствоведения. – М., 2010. – 24 с.

⁴¹ Акбаров Х. Фольклор ва фильм: методологик чизгилар // Бокий севги афсонаси. “Тохир ва Зухра”: архетипик талқин самараси. – Тошкент, 2015. – Б.170-190.

⁴² Тожибоева О. Эпос – санъат кўзгусида (театр ва кино талқинлари). – Тошкент, 2009. – Б.179.

табақа мансубиятидан бошқасига ўтиши чоғидаги синов-инициация маросими (суннат тўйи ҳам аслида ана шу қадимий маросим асосида келиб чиққан) билан боғлиқ магия амал ҳисобланади.

Кокил солинган халтачанинг айнан туғдона дарахти шохига илиб қўйилишида ҳам халқимизнинг муайян фитоморфик инончлари асосга олинган. Фильм сценарийсида кокилнинг оппоқ халтача ичига тушиши тасвирланган кадрдан кейин *“Туғдона дарахтининг шох-бутоқлари хилма-хил ип, чупраклар осилиб, ажиб манзара касб этиши”* боланинг кокили солинган оппоқ халтача халқ учун табаррук – муқаддас деб қараладиган мазордаги ёлғиз туғдона дарахти шохига илинганлигини кўрсатади. Фильмда соч магияси билан боғлиқ “кокил” деталининг фарзанд йўлини очувчилик хусусиятига эга, деб қаралиши ҳақидаги аниматик тасаввур Мўмин отанинг сочини олаётган сартарош тилидан баён этилади.

Фильмда қўлланилган “кўғирчоқ” мифологемаси Муҳаббатнинг ёлғон ваъдалар ва ўтқинчи ҳою ҳаваслар оғушида кўғирчоқ бўлганлигини кўрсатувчи мифопоэтик тимсол вазифасида келади. Т.Г.Мальцеванинг ёзишича, “образ-тимсол сифатидаги кўғирчоқ феноменининг илдизини мифология ва ритуал маросимларнинг визуал амалиётидан, яъни у ёки бу маданиятга мансуб кишиларнинг ташқи олам ҳақидаги инонч-этикодалари тизимидан излаш керак. Чунки кўғирчоқ – одамнинг белги-ифодаси, унинг ўйиндаги тимсолий образидир”.⁴³ “Йўл бўлсин” фильмида кўғирчоқ яшаш лавҳаси шундай тасвирланган: *“Ошхона. Ҳалима икки ёғочни бир-бирига қўшув тарзида боғлаб, ямоқ қўйлакни кийдириб кўғирчоқ ясамоқда. Ҳалима кўғирчоқни ясатиб тик қадаб, ғоз турибди. Муҳаббатнинг пешоналаридан тер чиққан, у секин ингранади. Орзуларининг саробга айланаётганидан куйинади..”*.

Анъанавий маданиятдаги семиотик моҳиятига кўра, кўғирчоқ рамзий маънода инсоннинг ўзига тенглаштирилади. Ҳалима ясаётган кўғирчоқ қизининг саробга айланган орзулари ифодаси ўлароқ гавдаланади. Бошқача қилиб айтганда, кўғирчоқ – Азизнинг кўлида кўғирчоқ бўлган Муҳаббатнинг тимсоли эканлиги Ўғилой момонинг теракка бойланган кўғирчоққа назари тушиши лавҳаси воситасида яққол намоён бўлади. Сценарий муаллифи бу ўринда рамзий маъно касб этувчи предмет – кўғирчоқ детали орқали Муҳаббат билан Азиз ўртасида бўлган воқеа ва унинг оқибати ҳақидаги ахборотни предметлашган рамзий тил воситасида Ўғилой момога етказди. Бинобарин, “моддий мавжудликнинг исталган ифодавий шакли, жумладан, кўғирчоқ апперцепция объекти сифатида муайян маъно касб этиши учун адресантнинг миёсида сўз тарзидаги информацияни ҳосил қилиши, яъни вербализацияланиши керак. Ана шу хусусиятига кўра кўғирчоқ субъектлараро ахборот алмашинуви ва бадий-эстетик коммуникацияни юзага чиқарувчи семиотик восита вазифасини бажаради”.⁴⁴ Шунинг учун ҳам

⁴³ Мальцева Т.Г. Кукла как образно-символическая форма в современной визуальной культуре // Гуманитарные и социальные науки. – М., 2011. – №6. – С.113.

⁴⁴ Романова Н.В. Кукла как эстетический текст культуры: специфика языка // Вестник МГУКИ. – М., 2011. – №4 (42). – С.79-80.

қўғирчоқнинг қорнига танғиб қўйилган кўзачага кўзи тушган Ўғилой момо ўғли нима иш қилиб қўйганини тушунади.

Кинодраматург кадрга дўпписига беш-олтита тухум солиб товукхонадан чиқиб келаётган Азиз образини олиб кирар экан, “тухум” деталининг мифопоэтик тимсол сифатида серпуштлик ғоясини ташишига асосланган ҳолда қўғирчоқ орқали ифодаланган семиотик маънони янада ойдинлаштиради. Бу ўринда “тухум” деталининг “фарзанд” маъносини ташиши Азизнинг маъсума қизни ҳомиладор қилиб қўйганлигини англатади. Қўғирчоқнинг терак (дунё дарахтининг тимсоли сифатида ҳаёт, умрга ташбеҳланади)дан ажралмаслиги эса йўл қўйилган хатони тузатиб бўлмаслигининг аломатидир.

Ҳалима синглиси билан Азизнинг қилган айб иши туфайли қиз ҳомиладор бўлиб қолганини айтгани билан Ўғилой момо буни тан олмаганлиги, Муҳаббатни ўғлига тенг кўрмасдан Ҳалимани ҳақорат қилгани фильмда “мағзава” детали воситасида “тиллантиралади”: Ўғилой момо кир юваётган тоғорасидаги мағзавани Ҳалиманинг қўлига тўқади, у эса ҳовучидаги кир сувни жаҳл билан момонинг бетига сепеди. Фильмда Ўғилой момо билан Ҳалима ўртасида ҳеч қандай диалог бўлмайди, уларнинг ўзаро мулоқоти рамзий “қўғирчоқ”, “тухум”, “мағзава” каби рамзий деталларнинг семиотик тили орқали томошабин онгида вербализациялашади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ҳозирги ўзбек драматургиясида эпик сюжет стилизацияси**” деб номланиб, унинг дастлабки фасли “**Китобий дoston сюжетининг драматик талқини**”га бағишланган. Ўзбек драматургиясида қўлланилган фольклоризмлар ўзининг бадий қамрови, поэтик структураси ва ифода йўсинига кўра хилма-хиллик касб этади. Фольклор стилизацияси тизимида дostonларнинг эпик сюжетини ижодий қайта ишлаш асосида яратилган драматик асарлар алоҳида ўрин тутди. Драматург С.Абдулланинг «Тоҳир ва Зухра» драмасида ўз давридаги золим шоҳлар, амалдорлар ва уларнинг жабру ситамидан озор чеккан, гуноҳсиз, эркисиз хотин-қизлар, йигитлар образлари ўз аксини топган. Асар асосан, эпик турга мансуб бўлиб кучли ишқ-муҳаббат сюжети асосида бадийлаштирилган, стилизациялаштирилган сахна асари сифатида жонли ижрода олиб чиқилган. «Тоҳир ва Зухра» драмасида асар ғояси ва персонажлар ўзаро рақиб сифатида кескин зиддиятлар авж олиши билан сюжет стилизацияси, мотив стилизацияси ва образ стилизацияси ўзаро чамбарчас боғланиб кетган. Драмадаги қаҳрамонлар, зулумкор образларнинг шавфқатсиз, аёвсиз ситамлари жабрланувчи икки ёш йигит ва қизнинг тақдири, ўша замон мунофиқликлари ҳақидаги воқеалар сюжети жонли тарзда томошабинга таъсирли етказишга қаратилган.

Профессор И.Ёрматов стилизация характердаги фольклоризмларнинг икки хил кўриниши мавжудлигини қайд этар экан, уларни “прогрессив стилизация” ва “регрессив стилизация”га ажратади. Яъни “фольклор мотивларига ижодкор эркин ёндашиб, уни тўлиқ қайта ишласа, бундай стилизация прогрессив стилизация сифатида эътироф этилади. Агар фольклор материалининг шакли кенгайтирилиб, унинг ғояси айнан берилса,

ижодкор унга ўз ғояларини сингдирмаса, бундай стилизация регрессив стилизация саналади”.⁴⁵ Шу нуқтаи назардан қарасаак, Собир Абдулла ўзининг “Тоҳир ва Зухра” драмасида фольклор мотивларига ижодий, эркин ёндашиб, эпик мотивларни тўлиқ қайта ишлаб, мазмунан бойитганлиги учун ғоявий ва бадиий мукамал асар яратган. Шунинг учун ҳам эпик сюжетнинг бундай бадиий талқинини прогрессив стилизация намануси (*намунаси*) десак тўғри бўлади.

Таниқли шоир Усмон Азим қаламига мансуб “Тоҳир ва Зухра” асари ҳам эртақчилар, қиссахон-халфалар, бахши ҳамда ровийлар репертуарида турлитуман вариант ва версиялар ҳолида ижро этиб келинган ушбу фольклор асарининг сахнавий талқинга кўчирилган ўзига хос бадиий ифодаси саналади. Бу драматик асарларнинг ҳар учаласини бирлаштирадиган жиҳати, биринчидан, воқеалар талқинининг замини – асоси ишқий-романик мавзудаги фольклор асарига бориб тақалиши; иккинчидан, образлар тизими асосий персонажлар (Тоҳир билан Зухра), рақиб персонаж (Қоработир), ёрдамчи персонажлардан иборатлиги; асардаги воқеалар ривожини структурал-семантик жиҳатдан ўзига хос “муҳаббат учликлари”нинг ўзаро муносабати (“Тоҳир ↔ Зухра ← Қоработир”; “Зухра ↔ Тоҳир ← Моҳим”; “Зухра ↔ Тоҳир ← Юлдуз”) асосига қурилганлиги билан характерланади. Бу типдаги образлар триадаси бадиий асарнинг композицион қурилишини белгиловчи, сюжет структурасини шакллантирувчи поэтик формулалардан бири эканлигини ҳисобга олсак, “Тоҳир ва Зухра” драмасининг ҳар учала намунасида сюжет тузилиши ҳам, конфликт характери ҳам учлик структурага асосланиши аёнлашади.

Усмон Азимнинг “Тоҳир ва Зухра” асарида воқеаларни шарҳлаб, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини кузатиб борадиган ҳикоячи-персонаж образи бевосита иштирок этмаса-да, унинг вазифаси “овоз” орқали амалга оширилади. Асар воқеаларининг бошланишидаги ҳолат, яъни Бобоҳон билан унинг вазири Боҳирнинг фарзандсизлик дардидан қийналиб, Аллоҳдан ўзларига зурриёд тилашлари лавҳаси талқинида “овоз” орқали бериладиган шарҳ воқеаларни тўлдириб боради. Шу ўринда қайд қилиш керакки, “овоз” орқали берилган фон воситасида фарзанд тилаётган Бобоҳон билан вазир Боҳирнинг эртақдан сахнага кириб келиши лавҳасининг берилиши орқали мазкур сюжетнинг замини халқ эпосида эканлигига ишора қилинган. Муаллиф халқ эпосига хос бефарзандлик мотивининг ўзига хос талқинини яратишда бевосита фольклор анъаналарига асосланади: халқ дostonлари, жумладан, “Алпомиш” дostonининг Фозил Йўлдош ўғли вариантыда ҳам бефарзанд Бойбўри билан Бойсарига зурриёд ато этилганлиги Шоҳимардон равзасидан таралган ғойибий овоз орқали баён этилади.

“Тоҳир ва Зухра” Ислом шоир Назар ўғли, Зоҳир шоир Қўчқор ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Қора бахши Умиров каби бахшилар эпик репертуарида қайд этилган вариантларида, шунингдек, шу сюжет асосига

⁴⁵ Ёрматов И. Стилизация характеридаги фольклоризмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1984. – 3-сон. – 33-бет.

қурилган кўплаб эртақларда Боҳир вазирнинг ўлими ов мотиви ҳамда Бобоҳоннинг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Усмон Азимнинг “Тоҳир ва Зухра” драмасида эса подшо Бобоҳоннинг Боҳир ва унинг ўғли Тоҳирга нисбатан ёмон муносабати унчалик сезилмайди. Аммо Бобоҳоннинг бошқа бир вазири Хусайн Боҳирни ёқтирмайди, подшонинг қизи Зухрани ўз ўғли Қоработирга олиб бериш орқали ҳокимиятни эгаллашдек ғаразли мақсадни дилига тукканлиги сабабли ҳамиша Бобоҳонга вазирни ёмонлайди. Боҳирнинг ҳалок бўлиши бевосита сахнада намоёиш этилмаса-да, Хусайн вазирнинг сўзларидан унинг қандай ўлдирилганлиги, яъни Хусайн томонидан қатл қилинганлиги англашилади.

Мазкур драматик асарда фольклорга хос поэтик символлардан бири – рўмол деталининг рамзий маъносидан самарали фойдаланилган. Асарда Хусайннинг фитнаю ғаразли гап-сўзлари оқибатида саройдан узоқлаштирилган Тоҳирнинг Зухра билан учрашуви лавҳасида “рўмол” тимсоли кўлланилган. Кўнгилларни орзиқтирадиган мусиқа оҳанглари фонидида сахнага югуриб чиққан Зухра “Қани рўмолим? Шамол қурғур, қани, рўмолим? Қаерларга учуриб кетдинг? Шамолжон, шамолжоним! Мени овора қилма! Рўмолим қани?”⁴⁶ деб сахнада зир югурганча ўзининг рўмолини излайди. Халқ лирикаси талқинича, рўмол оила, муҳаббат рамзи сифатида тасаввур қилинади. Шунинг учун ҳам ўзбек фольклори асарларида рўмолни йўқотиш, унинг кўлдан кетиши, шамол учуриб кетиши ёки ўғирланиши ёрдан айрилиш, оиланинг барбод бўлиши, айниқса, рўмол эгаси ҳисобланган қизнинг аҳдида туришига имкон қолмаганлигининг аломати сифатида талқин қилинади.

“Тоҳир ва Зухра” драмасида Зухранинг рўмолини шамол учуриб кетиши ва қаҳрамон уни ахтариб шамолни кетидан қувиши мотивининг берилиши бежиз эмас. Чунки бундан аввалги сахнада фитначи вазир Хусайн “Зухранинг боши очиқ бўлса қузғунлар таҳдид солиб унинг боши устида айланаверади” деб подшони салтанат кўлдан кетиши билан кўрқитади ҳамда Тоҳирни саройдан қувдириб, Қоработир билан Зухранинг тўйини тезроқ ўтказиб олишга шоҳни кўндиради. Поэтик рамз нуқтаи назаридан олиб қараганда, Зухранинг бошида рўмолининг бўлиши – қизнинг рўмол ўраганлиги унинг “боши боғланганлиги”, яъни Тоҳирга бешиккертти қилинганлигини англайди.

Хулоса қилиб айтганда, Усмон Азимнинг “Тоҳир ва Зухра” драмаси ўзбек эпоси бадий трансформациясининг ўзига хос кўриниши бўлиб, ижодкор эпик асар моҳиятини синтезлаштириш асносида янги асар яратиш жараёнида фольклорга хос халқона оҳанг ва ишқий-романик услубни сақлагани ҳолда бу анъанавий сюжетни ўзига хос мотивлар ва рамзий талқинлар билан бойитишга эришган.

Учинчи бобнинг **“Эпик мотивлар стилизацияси ва бадий маҳорат”** номли охириги фаслида Собир Абдулланинг “Алпомиш”, Усмон Азимнинг

⁴⁶ Усмон Азим. “Тоҳир ва Зухра” (драма) // Усмон Азим. Адибнинг умри: драматик асарлар. – Тошкент: Чўлпон, 2011. – Б.184.

“Алпомишнинг қайтиши” драмалари ҳамда «Алпомиш» кинодostonидаги эпик мотивлар стилизацияси ўрганилган.

Ўзбек халқ театр санъатида “Алпомиш” қаҳрамонлик эпосининг сахнавий талқинлари алоҳида ўрин тутди. Ўзбек драматургиясида қадриятларимиз ва аждодларимиз маънавий борлиғини бадиий талқин этган асарлар Собир Абдулланинг “Алпомиш” драмаси ҳамда Усмон Азимнинг “Алпомиш” кинодostonлари бевосита халқ оғзаки поэтик ижодидан озикланиб яратилган ёзма адабиётнинг намуналаридир. Ҳар икки драматург ўз асарларини яратишда ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш” дostonи сюжети, образлар тизими ва бадиий мўъжизакорлигидан ижодий фойдаланади.

Собир Абдулланинг “Алпомиш” драмаси бошланишида интерьер элат оксоқоли Бойсарининг овули тасвири, баҳорги пейзаж Алпомиш ва Барчиннинг шеърий айтишуви билан бошланади.⁴⁷ Атоқли халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғлидан Маҳмуд Зарифов ёзиб олган “Алпомиш” дostonи вариантда эса, воқеалар драмадан айрича. Бурунги замонлардан, Добонбийдан Алпинбий, унинг ўғиллари Бойсари ва Бойбўрининг дунёга келганлиги, ака-ука бийлар вояга етиб уйлангач, бефарзанд бўлиб Қўнғирот элида чипрон тўйига келганлиги ва чапанитоб бойваччанинг уларнинг фарзанди йўқлигига киноя қилгалиги ва бийлар бундан хафа бўлиб, даврадан чиқиб кетиши воқеалари билан бошланади⁴⁸. Усмон Азимнинг “Алпомиш” номли кинодostonида эса, Бурунги замонлардан, Добонбийдан Алпинбий, унинг ўғиллари Бойсари ва Бойбўрининг дунёга келганлиги таърифидан бошланиб, Бойсари ва Бойбўрининг фарзанд кўрганлиги тўғрисидаги воқеаларга ўтишдан олдин Бойбўри ва Бойсарининг улкан чинор остида туғ кўтаргани, Шоҳимардон пирнинг мазорини тавоф қилиши ва унинг руҳига сиғиниб, ўзларига фарзанд тилаш мотиви тасвири берилади.⁴⁹ Кинодostonда асар муаллифи қадимги аждодларимизнинг шомоний тасаввурлари акс этган мифориалистик ҳодисани халқ эпосидаги кўринишини янада ёрқинроқ тасвирлашга ҳаракат қилади. Мифореализм муаллифнинг воқеликнинг реал ривожланишида муҳим ўрин тутувчи, бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятларига зид бўлмаган мифологик архетипик образларга мурожаат ва уларнинг ҳаракатлари тасвиридир.⁵⁰

Мифологик ҳодисанинг реаллашиши воқеаларнинг ривожланиши ва сюжет тизимининг шаклланишида бошловчи нуқта вазифасини бажариши ўзбек фольклорининг табиатига хос бўлган ҳодисадир. Алпомиш ва Барчиннинг мифологик ҳомий Шоҳимардон пирнинг каромати сифатида дунёга келиш мотиви алоҳида аҳамиятга эга. Ж.Эшонқуловнинг ёзишича, “Шомоннинг шажараси, унинг танланиши, ҳомий руҳлар кўмагида бўлиши, ўзга дунёга сафар, ёвуз руҳлар билан жанги, ўзга қиёфага эга бўлиши бу

⁴⁷ Собир Абдулла. Алпомиш. –Б. 97.//www.ziyouz.com. kutubxonasi.

⁴⁸ Алпомиш / дoston. – Тошкент: “Шарқ”, 2010. – Б. 12.

⁴⁹ Усмон Азим. Алпомиш. Кинодoston // Жоду. – Тошкент: “Шарқ”, 2003. - Б. 210-212.

⁵⁰ Димитриева В. Н. Мифореализм «без берегов»: к вопросу о наследовании литературой свойств мифа / Миф, фольклор, литература: эстетическая проекция мира. – Вроцлав, 2015. - С. 8-22.

шомонлик маросимига хос хусусиятдир. Архаик, жумладан, «Алпомиш» эпосида ҳам шажарага алоҳида урғу берилиши, Ҳақимбекнинг туғилиши ва доимо пирлар кўмагида бўлиши, қаҳрамонликлар намойиш этиши, сафарга отланиши, ёвузликка (ёвуз руҳларга) қарши кураши, етти йиллик зиндон, яъни рамзий «ўлик»лик ҳолатидан сўнг, қайта тирилиб чиқиб, Қултой қиёфасига кириши структурал жихатдан шомонлик маросими билан айнан бир хил эканлигини кўрамит⁵¹, - деб ёзади.

“Алпомиш” достонининг Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган варианты билан С.Абдулланинг “Алпомиш” драмаси, У.Азимнинг “Алпомиш” кинодостони ва “Алпомишнинг қайтиши” номли драматик асарлари қиёси шуни кўрсатадики, мазкур асарлар бевосита халқ оғзаки ижоди намунаси асосида яратилган бўлиб, драматик асарнинг сюжети воқеалар ривожини фольклор анъаналарига мос, бироқ драматик асарлар билан халқ қаҳрамонлик эпоси асл матнида муштарак ва фарқли жихатлар ҳам кўзга ташланади. Драматургларнинг фольклор сюжети асосида воқеа-ҳодисаларнинг энг муҳим нуқталарини сахна намойишига мўлжаллаб драматик тур талаблари асосида тасвирлаши эпос ва драма ўртасида ўзига хос тафовутларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Бу фарқли томонлар асарда иштирок этувчи образ ва персонажларда кузатилади.

Таҳлил қилинган драматик асарларда этнографик фольклоризмлар янги услуб ва бадиий ниятга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Ушбу тамойилдан келиб чиқиб қараганда, фольклоризмлар трансформацияси жараёнида воқеа ҳукмронлик қилувчи ўзига хос тур эпоснинг драмага йўналтирилишидаги диффузия жараёни юзага келган. Ҳар қандай эпик мотив, албатта, халқнинг қадимий мифологик тасаввурлари ёки муайян тарихи билан боғлиқ ҳолда майдонга келади. Сюжетнинг шакллантирувчи мотивлар интерпретацияси нуқтаи назаридан ёндашганимизда қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши ва алплика эришиши мотивини бошқа мотивларга қараганда анчайин архаик дунёқараш маҳсули деб баҳоламоқ лозим.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбек драматургиясининг шаклланишида фольклорнинг роли ва драматик асарларда қўлланилган фольклор сюжетлари, мотивлари, образлари ва бадиий деталларининг поэтик матндаги вазифаларини ўрганиш натижасида драматургларнинг фольклордан ижодий фойдаланишидаги бадиий маҳорати, эртак, афсона, достон ва ривоят сюжетларини ижодий қайта ишлаш тамойиллари, фольклор асарлари, жумладан, халқ кўшиқлари матнини қистирма тарзида асарга сингдириб юбориш усуллари аниқланган.

2. Ўзбек драматургияси ва профессионал сахна санъатининг келиб чиқишига асос бўлган миллий фольклор анъаналари икки типга бўлинади:

⁵¹ Эшонкулов Ж. Эпик анъана ва “Алпомиш” достони // “Ўзбекистон номоддий маданий мероси” сайти www.ich.uz

1) ритуал аҳамиятга молик маросимий қадриятлар (мавсумий, оилавий-маиший ва диний-ибодат маросимлари); 2) моҳиятан драматик ҳаракат ва вербал компонентлар уйғунлигига асосланган норитуал қадриятлар (болалар ўйин фольклори, оммавий халқ ўйинлари ва анъанавий томоша санъати).

3. Анъанавий маросим фольклорининг кўпгина жанрлари ўзининг тарихий-тадрижий ривожидан функционал ўзгаришга учраганлиги сабабли ҳаётий-маиший вазифасини ўзгартириб, ритуал аҳамиятини йўқотиши натижасида оммавий ўйин-томоша санъати асарига айланган. Қадимий ритуаллар ва маросимлар таркибидаги вербал компонентлар – кўшиқ ва айтимларнинг драматик ҳаракат ва сўз уйғунлигидан иборат театрлаштирилган халқ томоша асарларининг шаклланиши “маросим→ўйин→театр” босқичларидан иборат бўлган.

4. Анъанавий маросимларни ўтказиш жараёнининг томоша санъати элементида айлана бориши ва урф-одатлар замиридаги рамзий-ритуал код ўрнини бадиий-эстетик код эгаллаши натижасида драмага хос илк белгилар юзага келган. Қадимги маросим ва ритуалларга хос бу хусусият, яъни ўтказилаётган маросим таркибидаги удумларнинг уни кузатиб, томоша қилиб турган кишиларга эмоционал таъсир кўрсатиши тамойили кейинчалик драматик санъатнинг етакчи мезонларидан бирига айланган.

5. Истиклол даври ўзбек драматургиясининг бадиий матнида фаол қўлланилган миллий урф-одат, маросим, расм-русум, қадимий ритуал ва ишонч-этиқодларга алоқадор этнографик деталлар, анъанавий кўшиқчилик элементлари, айтим ва аломатлардан иборат фольклоризмлар ўзининг моҳиятига кўра этнопоэтик фольклоризмлар ҳисобланади. Этнопоэтик фольклоризмлар халқнинг миллий ўзлиги ва менталитетини ифодаловчи анъанавий маросимий қадриятларнинг ёзма адабиётдаги стилизация шаклидаги бадиий талқинлари бўлиб, унинг истиклол даври ўзбек драматургиясидаги дастлабки намуналари Э.Хушвақтовнинг “Чимилдиқ”, «Қирмизи олма» асарларида ўз ифодасини топган.

6. Анъанавий фольклор материалларини драматик санъатда бадиий талқин этишнинг кўлами телевидение, кино ва медиасанъат доирасида кенгайиб бораётганлиги туфайли ўзликни ифода қилишнинг икки хил бадиий ифода шакли, яъни воқеликни сўз воситасида оғзаки ифода қилишдан иборат анъанавий аутентив эстетик категория билан фольклорни белги, тасвир ва тимсоллар орқали экранлаштириш принциплари шаклланди. Жумладан, бугунги кино санъатида халқ ижоди ва маросимий қадриятнинг турли шакллари – сюжет, мотив, образ ва услубий компонентларини бадиий ўзлаштириш ва кинематографик талқин қилиш тамойили кучайиб бормоқда. Киносценарист ва режиссерлар фольклорга хос образлилик ва бадиий шартлиликни кино санъати тилига ўгиришда инновацион усулларни қўллаши натижасида фольклоризмнинг ўзига хос янги типи – аудиовизуал фольклоризмлар шаклланди.

7. Фольклор материаллари асосида ёки бевосита халқ ижоди анъаналарининг таъсирида яратилган кинофильмлардаги аудиовизуал фольклоризмлар қуйидаги типларга бўлинади: а) эпик сюжетларининг поэтик

трансформацияси асосида юзага келган аудиовизуал фольклоризмлар (“Алпомиш” бадиий фильми сценарийсидаги фольклоризмлар); б) урф-одат ва маросимларнинг этномаданий стилизацияси асосига қурилган аудиовизуал фольклоризмлар (“Чимилдиқ” фильми сценарийсидаги фольклоризмлар); в) мифологик тасаввурлар, халқ ижодига хос поэтик тимсол ва архетипик деталларнинг визуал семантик кодларидан иборат аудиовизуал фольклоризмлар (“Йўл бўлсин” фильми сценарийсидаги фольклоризмлар).

8. Ёзма адабиётда, жумладан, драматургияда анъанавий фольклор материалларини стилизация қилиш воситасида бадиий асар яратишнинг уч хил усули амал қилади: а) халқ оғзаки ижоди асарлари, жумладан, маросим фольклори намуналарининг аутентив шаклдаги ҳолатини сақлаган ҳолда тасвир объектига киритиш; б) воқеликнинг этномаданий контекстини яратиш мақсадида халқ урф-одатлари ва маросимлари фольклори материалларига ижодий ёндашиш асносида унинг янгича бадиий талқинини яратиш; в) фольклор асарлари, жумладан, эпик сюжетларни қайта ишлаш асосида асар яратиш.

9. Тоҳир ва Зухранинг муҳаббат саргузаштлари ҳақидаги китобий дoston сюжетини стилизация қилиш асосида яратилган Собир Абдулланинг “Тоҳир ва Зухра” драмаси ўзбек эпоси бадиий трансформациясининг ўзига хос кўриниши бўлиб, ижодкор эпик асар моҳиятини синтезлаштириш асносида янги асар яратиш жараёнида фольклорга хос халқона оҳанг ва ишқий-романик услубни сақлагани ҳолда бу анъанавий сюжетни ўзига хос мотивлар ва рамзий талқинлар билан бойитишга эришган.

10. Усмон Азимнинг “Тоҳир ва Зухра” ва “Алпомишнинг қайтиши” драмалари ўзбек халқ китобий ва қаҳрамонлик эпоси сюжетларини бадиий қайта ишлаш асосида яратилган бўлиб, ижодкор бу эпик асарлар моҳиятини акс эттирувчи ғоявий-бадиий хусусиятларни синтезлаштириш асносида стилизация фольклоризмининг ўзига хос намунасини яратишга муваффақ бўлган. Бу асарларда ушбу эпосларга хос халқона оҳанг ва ишқий-романик услуб сақлангани ҳолда бу анъанавий сюжетни ўзига хос мотивлар ва рамзий талқинлар билан бойитишга эришган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.08.2018.Fil.46.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,
ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА**

**НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ТУРСУНОВА НАСИБА ХАМРОЕВНА

**ФОЛЬКЛОРНАЯ СТИЛИЗАЦИЯ В СОВРЕМЕННОЙ
УЗБЕКСКОЙ ДРАМАТУРГИИ**

10.00.08 – Фольклористика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована за номером В2017.4.PhD/Fil379 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.tai.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Каюмов Олим Садриддинович**
кандидат филологических наук

Официальные оппоненты: **Тожибоева Олтиной Косимовна**
доктор искусствоведческих наук

Имомназарова Шаходатхон Хабитовна
доктор философии по филологическим наукам (PhD)

Ведущая организация: Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.30.08.2018.Fil.46.02 по присуждению ученых степеней при Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан (Адрес: 100060, город Ташкент, проезд Шахрисабзский, дом 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан. Адрес: 700100, г.Ташкент, ул. Зиёлилар, дом 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки ___ от «___» _____ 2020 года).

Т.М.Мирзаев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.н., академик

Л.Худайкулова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.ф.н.

Ш.Турдимов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом литературоведении и фольклористике особое внимание уделяется влиянию народного устного творчества на письменную литературу, роли фольклора в становлении и развитии художественной литературы, стилизации эпических сюжетов в поэтической структуре художественного произведения и освещению его функционально-семантической природы. Своеобразный творческий процесс, заключающийся в «возвращении к фольклору», нашедший свое выражение в литературе народов мира в 90-е годы XX и начале XXI вв., стал основой обновления художественного мышления и совершенствования творческих критериев. Выявлены историко-эволюционное развитие связей фольклора и драматургии, художественно-эстетические особенности фольклоризмов и их функции в структуре поэтического текста. Это позволяет определить влияние узбекских фольклорных традиций на процесс возникновения сценических произведений драматического типа в письменной литературе и определить принципы развития историко-фольклорных и литературных процессов.

В современной мировой фольклористике в результате глубокого изучения роли устного народного творчества в выражении национального колорита в контексте художественной литературы, стилизации эпического сюжета и мотивации в драматических произведениях более углублена суть понятия фольклоризма. Результаты, полученные на основе исследования фольклора и его роли в развитии мировой литературы, служат для определения художественных типов фольклоризмов в составе драматического произведения.

Благодаря независимости в процессе масштабного духовного возрождения, заключающегося в возвращении народа к национальному самосознанию еще более усиливается потребность в осмыслении сути древних обрядов, обычаев и ценностей наших предков. Именно в результате этой социально-духовной потребности на свет появились драмы У.Азимова, построенные на основе сюжетов народных эпосов, пьесы Э.Хушвактова, основанные на сценическом толковании национальных обычаев и обрядов, сценарии Э.Агзама для фильма «Дилхирож», Ш.Турдимова для фильма «Йўл бўлсин» и множество других сценических произведений на основе народной стилизации. Хотя элементы фольклора в письменной литературе употребляются в литературоведении под термином «фольклоризм», до сих пор недостаточно раскрыты художественно-эстетическая суть, смысл-содержание этого понятия. Следовательно, выявление особенностей фольклоризмов в качестве своеобразного художественно-эстетического явления, раскрытие закономерностей поэтической стилизации эпического сюжета, мотивов и образов в драматических произведениях дают важные выводы для литературоведения и фольклористики. Фольклор как своеобразное проявление художественного искусства слова возник в очень древние времена, а традиции народного творчества различных жанров, на

протяжении веков служат первоисточником в совершенствовании подрастающего поколения. Жемчужины народного творчества «это бесценное богатство, несомненно, будут источником мудрости и знаний для новых и новых поколений, а главное, незыблемой основой для новых открытий»⁵². Поэтому изучение творчества драматургов на основе творческой интерпретации фольклора в качестве своеобразной художественной традиции является одной из актуальных проблем фольклористики.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в указе Президента Республики Узбекистан УП-5850 от 21 октября 2019 года «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка», постановления ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», ПП-2995 от 24 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних рукописных источников», ПП-3271 от 13 сентября 2017 года «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения», ПП-4320 от 14 мая 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию искусства бахши», а также постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №222 от 7 октября 2010 года «Об утверждении государственной программы по охране объектов нематериального культурного наследия, сохранению, пропаганде и их использованию в 2010-2020 годы» и других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-нравственном развитии информатизированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Известно, что связь фольклора и письменной литературы является одной из актуальных проблем литературоведения, наука располагает изрядным количеством научных исследований, посвященных изучению данного вопроса. В фольклористике тюркских народов основы драматургии в устном народном поэтическом творчестве и поэтическая природа фольклоризмов в сценических произведениях изучены С.Каскабасовым, Н.С.Майнагашевой, А.М.Сарбашевой, Ж.Т.Коблановым⁵³.

⁵²Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон қарори.

⁵³ Каскабасов С. Театральные элементы в казахских обрядах и играх // Фольклорный театр народов СССР. –

Б.Саримсоковым в первые исследовано художественное толкование фольклорных мотивов и сюжетов в драматических произведениях в контексте типология и классификации фольклоризмов⁵⁴. Эта теоретическая концепция о поэтических функциях и толкованиях фольклоризмов в тексте художественных произведений позже более углублены в научных статьях и диссертациях И.Ёрматова, Л.Шариповой, Г.А.Бегмуратовой.

